

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ КИМЁ-  
ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.28.12.2017.Ped.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**НИЗАМОВА САИДА АДИЛОВНА**

**КИМЁ ТАЪЛИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ  
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**13.00.02 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2018**

**УДК. 541.371:654.9(575.1)**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Низамова Саида Адиловна**

|  |   |
|--|---|
| Кимё таълими самарадорлигини оширишнинг инновацион технологиялари..... | 3 |
|--|---|

**Низамова Саида Адиловна**

|  |    |
|--|----|
| Инновационные технологии в повышении эффективности обучения химии..... | 21 |
|--|----|

**Nizamova Saida Adilovna**

|  |    |
|--|----|
| Ways of increasing efficiency of teaching the chemistry with innovational technologies ..... | 39 |
|--|----|

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

|                              |    |
|------------------------------|----|
| List of published works..... | 43 |
|------------------------------|----|

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ КИМЁ-  
ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

**DSc. 28.12.2017.Ped.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**НИЗАМОВА САИДА АДИЛОВНА**

**КИМЁ ТАЪЛИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ  
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**13.00.02 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/287.  
рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.nuu.uz](http://www.nuu.uz)) ва «Ziyo Net» Ахборот таълим порталида [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Омонов Ҳожиқул Товбаевич**

педагогика фанлари доктори, профессор.

**Расмий оппонентлар:**

**Бабаев Туйгун Мирзаахмедович**

кимё фанлари доктори, профессор.

**Исматов Иброҳим Шахриёрович**

педагогика фанлари номзоди.

**Етакчи ташкилот:**

**А. Авлоний номидаги ҳалқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш малакасини ошириш институти.**

Диссертация ҳимояси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc28.12.2017.Ped.01.09 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_ куни соат\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100174 Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz.)

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот - ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100174, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: 998-71-227-12-24; факс: 998-71-246-53-21, 246-02-24.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ - рақамли реестр баённомаси)

**М.М.Арипов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор.

**А.Д.Аскаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, п.ф.ф.д.(PhD).

**Р.Б.Бешимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати.** Жаҳонда кимё таълими соҳасини модернизациялаш, инновацион технологияларни татбиқ этиш, ўқитишинг методик асосларини замонавий ривожланиш тенденцияларига мувофиқ такомиллаштириш амалиётига алоҳида эътибор қаратилмоқда. АҚШ, Буюк Британия, Япония, Германия, Хитой, Жанубий Корея мамлакатларида инновацион стратегияларни кимё ўқитиши жараёнига татбиқ этиш асосида ўқувчиларнинг билим олишини фаоллаштириш, уларни интеллектуал ривожлантириш, таянч ва фанга оид маҳсус компетенцияларни шакллантиришда янги ғояларни топиш ва амалиётга татбиқ этиш бўйича олиб бораётган ишлари кўзга ташланмоқда.

Халқаро миқёсда кимё фанини ўқитиши сифатини яхшилаш, таълим жараёнига инновацион ва ахборот технологияларни татбиқ этиш, интеграциялаш, аралаш таълим технологияси имкониятларидан фойдаланиш, ўқувчиларнинг ақлий салоҳияти, ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирадиган замонавий методик таъминотни яратишга қаратилган самарали тадқиқотлар олиб борилмоқда. Mie University (Япония), Albert-Ludwigs-University (Германия), Gomal Universite (Покистон), Кимё технология институти (Россия), Азарбайжан Давлат Университет олимлари томонидан кимё фанини инновацион ва ахборот технология воситалари асосида ўқитиши жараёнини такомиллаштириш, назарий-методологик ва услубий асосларига оид илмий ишланмаларни таълим жараёнида қўллашни тавсия қилмоқдалар.

Мамлакатимиз таълим тизимида ўқув жараёнига илфор инновацион технологиялар ва ахборот-коммуникация воситаларини жорий этиш, ўқитиши интенсивлиги ва самарадорлигини ошириш, жаҳон андозаларига мослаштириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга кимё фанини ўқитиши жараёнида инновацион технологиялар муҳити асосида методларнинг такомиллаштирилган механизмларини яхлит тизим сифатида ишлаб чиқиши зарурати мавжуд. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида « кимё, математика, физика, биология, информатика каби муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш»<sup>1</sup> устувор вазифа этиб белгиланган. Бу борада кимё фанини ўқитишининг методик тузилмаси, ўқувчиларнинг инновацион ўқув фаoliyati мазмуни, кимёдан лаборатория ва амалий машғулотларнинг ташкилий-педагогик босқичлари, мустақил ишларни бажаришга йўналтирилган ахборот-методик таъминотини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 25 январдаги «Умумий ўрта, ўрта маҳсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5313-сон фармонлари, 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3931-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартағи «Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 140-сон, 2017 йил 6 апрелдаги «Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 187-сон қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қиласи.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва хуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий, маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикализ, ҳамдўстлик мамлакатлари ва хориж давлатларида таълим тизимини такомиллаштириш, ўқув жараёнинг инновацион ва ахборот технологияларни жорий этиш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилган. Жумладан: республикализда таълим жараёнинг педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, ўқитиш самарадорлигини таъминлашда А.А.Абдуқодиров, Н.Х.Авлияқулов, Н.А. Анварова, Н.Болтаев, Р.Х.Жураев, Н.И.Тайлоқов, М.С.Диванова, Ш.М.Кадиров, Х.А.Мавлянова, У.Н.Нишоналиев, О.Х.Тўракулов, Ж.Ғ.Йўлдошев, С.А.Усмоновлар томонидан; кимё ўқитиш методикасининг турли масалалари И.Р.Аскаров, Ф.А.Алимова, М.Б.Ажиева, Ш.Бегматов, Т.Гулбоев, А.Мамажонов, З.Сайдносирова, С.Тешабоев, Н.Х.Тўхтабоев, М.Умаров, А.Г.Муфтахов, М.Нишонов, Х.Т.Омонов, Ш.М.Миркомилов, А.Хайтов, Э.Эшчонов, К.Р.Гопировларнинг илмий изланишларида; мактабда кимё тажрибаларини ўтказишига оид методик кўрсатмалар А.Азимова, А.Мамажонов, М.Нишонов, С.Тешабоев; кимёдан масала ва машқлар ечиш методикасини такомиллаштиришда Ш.С.Исхоқов, Ю.Тошпўлатовларнинг тадқиқотлари мактабда кимё таълими самарадорлигини оширишнинг турли масалаларига қаратилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш муаммоси С.Р.Алборова, В.Беспалько, В.Борисова, В.М.Монахов, В.А.Пятина, С.Д.Поляков, В.Сафин, Г.Селевко, Е. Рудзитис, Н.А.Глинка, Ю.В.Ходаков, Г.П.Хомченко, Г.М.Чернобельская, Л.А. Цветкова, Д.А.Эпштейн каби олимлар томонидан тадқиқ этилган. Кимёвий амалий машғулотлар самарадорлигини таъминлаш Э.Г.Злотников, Ф.Б.Окольников, А.Газзаева, А.Иванова, М.А. Кононова, Н.С Назарова, Ю.В. Плетнер, В.Г.Прокопенко, В.С.Полосин, масала ва машқлар ечиш методикасини такомиллаштириш бўйича Н.П.Гаврусејко, Н.Л.Глинка, Э.Г.Злотников, Р.Г.Иванова, Г.Иодко, В.В.Сорокин, М.И.Дьяченко, И.Загвязинский, Н.В.Бочкина, М.И. Скаткинлар томонидан самарали илмий изланишлар олиб борилган.

Хорижда кимё фанининг илмий-назарий асосларини такомиллаштиришга Злато Селек, Жулиян Койтен, Катарина Жаворова, Мурат Демир Бахш; кимёвий тажрибаларни ташкил этиш ва ўтказиш методикасига Мустафа Байракчи, Назмия Баср, Милена Кирова, Андиана Гафровалар; масала ва машқлар ечиш методикасини замонавий услубларига Ю.Калева, К.Григорева, Магдалена Голадж ва бошқалар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар. Улар ўз тадқиқотларида ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, уларнинг дунёқарashi, ақлий салоҳияти, фанга бўлган қизиқишлигини ошириш, ўзига хос индивидуал имкониятларини ҳисобга олиш лозимлигини таъкидлайдилар. Табақалаштирилган ёндашув асосида ўқувчиларнинг қизиқишлиари ва иқтидорларини намоён этиш, шахсий ривожланиш даражасига қараб индивидуал имкониятларини юзага чиқариш муаммолари тадқиқ этилган. Глобаллашув жараёнларининг асосий тенденциялари, ижтимоий педагогик зарурият нуктаи назаридан айни вақтда кимё фанини ўқитиши методикасини инновацион технологиялар асосида такомиллаштириш, ўқувчиларнинг билиш фаоллигини орттиришнинг самарали шакл, метод, усул ва воситаларини қўллаш заруратини юзага келтирди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИЗМБ-201-0924190421 - рақамли «Умумий ўрта таълим мактабларида кимё фанини ўқитишини такомиллаштириш технологиялари» (2015-2016й.й.) номли инновацион лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** умумий ўрта таълим мактаблари ва академик лицейларда кимё таълими самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш тизимини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

умумий ўрта таълим мактаблари ва академик лицейларда кимё таълими жараёнида инновацион технологияларни қўллашнинг назарий-амалий асосларини, ҳозирги ҳолатини таҳлилий асосда ўрганиш;

кимё фанини ўқитиши жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари, мазмуни, метод, шакл ва воситаларини аниқлаш ҳамда уларни яхлит тизим сифатида шакллантириш, кимё фанини ўқитиши жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг педагогик тизимини ишлаб чиқиш;

таҳлилий-таққослаш асосида самарадор инновацион технологияларни ажратиб олиш ва ахборот технологиялар билан интеграциялаш асосида методик жиҳатдан такомиллаштириш;

амалий, лаборатория машғулотларини мультимедиа воситалари ёрдамида ўқитиши, кимё таълими самарадорлигини таъминлашга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил таълими натижаларини баҳолашнинг инновацион технологик мухит асосида такомиллаштиришга оид методик тавсиялар ишлаб чиқиш;

кимё таълимига инновацион технологияларни жорий этиш орқали таълим олувчиларда ижодий қобилиятни ривожлантириш, билим олишни фаоллаштиришга йўналтирилган методик тавсияларни ишлаб чиқиш;

янги мавзуни ўрганиш ва мустаҳкамлаш жараёнида билим, кўникма ва малакаларини оширишга имкон берувчи дидактик топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг обьекти** умумий ўрта таълим мактаблари ва академик лицейларда кимёни ўқитишида инновацион технологиялардан фойдаланиш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети** кимё таълими самарадорлигини оширишида инновацион технологиялардан фойдаланиш мазмуни, метод, шакл ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусига оид илмий, методик, электрон манбаларни қиёсий ўрганиш ва таҳлил этиш, мактаб ва академик лицейлардаги илгор педагогик тажрибаларни ўрганиш, анкета, сұхбат, кузатиш, тест, лойиҳалаш, эксперт баҳолаш; тажриба-синов ишлари натижаларини математик-статистик таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

кимё фанини ўқитишининг методик тузилмаси дидактик воситалар (ўкув жиҳозлар, техник қурилмалар, ёрдамчи материаллар)нинг педагогик имкониятларига ижодий фаолликка йўналтирилган инновацион муҳит (янгича фикрлаш, мулоқотнинг янги шакллари) элементларини интеграциялаш асосида такомиллаштирилган;

ўкувчиларнинг инновацион ўкув фаолияти мазмуни шахсий-рефлексив (тезкорлик, зийраклик, уддабуронлик), когнитивлик (фикрлаш, мослашув, англаш, билиш), креативлик (яратувчанлик, ностандарт ёндашув, муаммолар таҳлили), мотивацион-фаоллашув (қизиқиш, иштиёқ, ҳаракат) даражасига устуворлик бериш асосида ишлаб чиқилган;

лаборатория ва амалий машғулотлардаги ташкилий-педагогик босқичларнинг (мақсад ва вазифа, натижа, самарадорлик) таркиби анимацион-намойишили (моддалар миқдори, буюмлар ва ускуналар шакли, компонентлари, функциялари, ҳолати) жараёнларнинг хусусиятлари (тежамкор, ҳавфсиз, такрорий, даврий) асосида такомиллаштирилган.

кимё фанидан мустақил ишларни бажаришга йўналтирилган ахборот-методик таъминот билимларни тезкор баҳолаш кўрсаткичларга кўра диагностикалашга йўналтирилган услублар асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагиларда ўз аксини топган:

кимё фанини ўқитишида таълим самарадорлигини таъминловчи инновацион технологияларнинг мазмуни, моҳияти, уларнинг билиш фаолиятига таъсир этиш шартлари тизимлаштирилиб, амалиётга татбиқ этилган;

ўкувчиларда билим олишни фаоллаштириш босқичлари, уларда ижодий ва рефлексив қобилиятларнинг таянч ва предметли компетенцияларини шакллантиришнинг методик тизими амалиётга татбиқ этилиб, тегишли таклифлар ишлаб чиқилган;

умумий ўрта таълим мактаблари ва академик лицейларда кимё фанини ўқитишида интегратив технологиялардан фойдаланишга оид инновациялар соҳа ўқитувчилари учун амалий қўлланма сифатида хизмат қилган, янги мавзуни ўрганиш ва мустаҳкамлаш, билим, кўнишка ва малакаларини мустаҳкамлашга имкон берувчи дидактик топшириқлар тизими ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олинган натижаларнинг исботи Республика ва халқаро миқёсдаги илмий анжуман материаллари, ОАК рўйхатига киритилган ва хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, монография, яратилган ўқув-услубий қўлланмаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, тажриба-синов ишларининг таҳлили ва самарадорлиги математик-статистика методлари воситасида асосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилаётган метод ва воситалар ўқувчиларни кимё фанидан ижодий қобилиятини ривожлантиришга, билим олишни фаоллаштиришга қаратилган бўлиб, самарали инновацион ва ахборот технологияларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш методикасини тақомиллаштириш, кимё таълими самарадорлигини ошириши билан изоҳланади. Диссертациянинг хорижий, маҳаллий илмий манбалар ҳамда амалиётчиларнинг танқидий-таҳлилий хулосалари назорат жиҳатидан асосланганлиги ҳамда экспериментал натижалар асосида исботланганлиги, соҳага оид илмий ва методик манбалар яратишда шунингдек, истиқболда муаммонинг янги қирраларини тадқиқ этишда аҳамиятли манба бўлиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, умумий ўрта таълим мактаблари ва академик лицейларда кимё фанининг мазмунини, ўқув режа ва дастурларини тақомиллаштириш, замонавий ўқув-методик таъминотини яратиш, таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш, таълим сифатини таъминлаш ҳамда самарадорликка эришишга хизмат қиласи. Шунингдек, тадқиқот натижалари кимё таълимига инновацион технологияларни жорий этишда, кимёдан лаборатория ва амалий машғулотлар технологиясини мультимедиали воситалар орқали лойиҳалашда, соҳада фаолият кўрсатаётган кимё фани ўқитувчилари ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида самарали қўлланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кимё таълими самарадорлигини оширишнинг инновацион технологиялари бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

кимё таълимида ўқувчиларнинг инновацион ўқув фаолияти тузилмаси, шахсий-рефлексив, когнитивлик, креативлик, мотивацион-фаоллашув даражаси, ижодий фаолликка йўналтирилган инновацион муҳитга оид таклифлари асосида «Кимёни ўқитишида инновацион услубларнинг қўлланилиши» номли ўқув қўлланма тайёрланган ва ўқув жараёнига татбиқ этилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2017 йил 29 сентябрдаги

89-03-2131-сон маълумотномаси). Ушбу ўқув қўлланма кимё таълими самарадорлигини ошириш, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ўқитувчилари учун методик таъминотни бойитиш, кимёвий билимлар бериш жараёнларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

кимё фанини ўқитишининг методик тузилмаси, дидактик воситалар, ижодий фаолликка йўналтирилган мулоқотнинг янги шакллари, ўқувчиларнинг мустақил ишларини баҳолаш технологиясига оид таклифларидан Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 1 февралдаги « Умумтаълим мактаблари кимё фани ўқитувчиларининг касбий маҳоратини узлуксиз ошириб бориш тўғрисида»ги 34-сон, 2018 йил 6 январдаги « Аниқ, табиий, гуманитар ва филология фанларидан таянч мактабларни ташкил этиш ҳақида»ги 6-сон буйруқларини ишлаб чиқиша ва улар билан тасдиқланган меъёрий хужжатларни тайёрлашда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 23 июлдаги 02-01/1-3-3327-сон маълумотномаси). Ушбу меъёрий хужжатларни жорий этиш орқали умумтаълим мактаблари кимё фани ўқитувчиларининг касбий маҳоратини узлуксиз ошириб бориш механизми такомиллаштирилган, ҳар бир худудда кимё фанидан таянч мактаблар ташкил этилган;

кимёдан лаборатория ва амалий машғулотларнинг ташкилий-педагогик босқичлари, анимацион-намойишни жараёнларнинг хусусиятлари, мустақил ишларни бажаришга йўналтирилган ахборот-методик таъминотга оид таклиф ва тавсиялар Ф1-ХТ-16955-рақамли «Телекоммуникатив тизимни глобаллаштириш шароитида мактаб ўқувчиларини ахлоқий тарбиялашнинг фундаментал муаммолари» мавзусидаги фундаментал лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 23 июлдаги 02-01/1-3-3327-сон маълумотномаси) Натижада, ўқувчилар билимини тезкор баҳолаш, билимлардаги бўшлиқларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этишга йўналтирилган таълим жараёнлари самарадорлиги ортган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 8 та Республика илмий-амалий анжуманларида мухокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 47 номда илмий ишлар, жумладан, 1 та монография, 13 та ўқув-услубий қўлланма, 33 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 таси республика, 2 таси хорижий ва 3 таси МДХ давлатлари журналларида нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 132 бетни ташкил этиб, унда 19 та расм, 5 та схема, 14 та жадвал, 1 та диаграмма мавжуд.


## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** кисмида ўтказилган тадқиқот мавзусининг долзарбилиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот обьекти, предмети, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, чоп қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Инновацион технологиялардан фойдаланишининг назарий-методологик асослари**» номли биринчи бобида кимё таълими жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланишининг ҳозирги ҳолати, мазмуни ва фойдаланишга доир материалларни танлаш тамойиллари каби масалалар ёритилган. Педагогика тарихидан маълумки, таълимда инновацион технологиялардан фойдаланиш XX асрнинг 60 - йилларидан бошланган. Ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказларида, жумладан АҚШ, Буюк Британия, Япония, Германия, Покистон, Швецияда олиб борилмоқда. Хориж олимлари Злато Селек, Жулиян Койтен, Катарина Жаворова ва бошқалар ўз тадқиқотларида кимё фанини ўқитишнинг ҳозирги ҳолати, ўқитиш сифатини яхшилаш учун интегратив ёндашувга асосланган назария кераклиги; ўқувчининг шахсий ривожланишига қараб ўқитиш методини танлаш ; кимёни ўқитишда эгалланган назарий билимни амалиёт билан боғлаш каби масалаларининг илмий ечимини тақдим этганлар.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари олимларидан О.Н. Бочарова, Г.В. Григорьева, А.С. Драницникова, Е.И. Битулина «Бошқотирма ўйинлар»дан дарс жараёнида фойдаланиши, «Аралаш ўқиш технологияси» асосида ҳамкорликда ўқиши, мустақил равища интернет тармоқларидан, компьютердан, электрон доскадан, мультимедиа воситаларидан, турли хил мустақил иш турларидан фойдаланиб дарс ўтишни тавсия этмоқдалар. Академик А.М. Магеррамов, профессор А.Т. Азизов, Н.А. Абишев, А.Н. Гумбатов кимёни ўқитишни таълимни ташкиллаштирувчи турлари тариқасида: жуфтликда, катта ва кичик гурӯхларда, индивидуал кўринишида олиб боришни тавсия қилмоқдалар, чунки бу тавсиялар кимё таълимига инновацион технологияларни жорий қилиш учун қулай. Олиб борилган тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, кимё фанини ўқитиш жараёнида инновацион технологиялар муҳити орқали самарадорликка эришиш йўлларини аниқлаш, таҳлил қилиш; методлар, воситалар, шаклларни яхлит тизим сифатида ишлаб чиқиши, бу методларнинг афзаллик томонларини очиб бериш ҳамда улардан самарали фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиши, унинг истиқболини башорат қилишини тақазо этади. Шу билан бирга кимё таълими методикаси - кимё таълим методларини қўллаш учун таълимнинг хилма-хил

воситаларидан (ўкув, техник ва ёрдамчи) фойдаланиб бажариладиган технологик амаллардир (ўқитувчи ва ўкувчи ўртасидаги педагогик мулоқат). Шу эҳтиёж асосида дарс жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланишга оид илмий, назарий, амалий адабиётлар, тадқиқот ишлари, улар асосида олиб борилган ишлар ўрганилди. Қуйида кимё фани самарадорлигини таъминлашнинг инновацион технологик тузилмаси-схемаси келтирилган.



**1-расм. Кимё фани самарадорлиги таъминланишининг инновацион технологик тузилмаси-схемаси**

Умумий ўрта таълим мактаблари ва академик лицейларда кимё фанини

ўқитиши жараёнининг ҳозирги холатини кузатиш ва таҳил қилиш натижасида ўқитувчиларнинг кимё фанини ўқитиши жараёнида замонавий методлардан, лаборатория ва амалий машғулотларни ўтказишида замонавий лаборатория жиҳозларидан самарали фойдаланиш йўлларини, ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни ўз вақтида аниқлаш ва уни бартараф этишни етарли даражада билмасликлари маълум бўлди ҳамда бу масалаларга етарлича эътибор қаратилмагани ва амалиётга жорий этилмаганлиги аниқланди.

Кимё дарсларида инновацион технологияларни қўллаш мазмунига қўйиладиган талаблар: умумий ўрта таълим мактабларида ва академик лицейларда кимё таълимининг мазмуни белгиланган мақсад, йўналиш ва ҳажмга эга. Тегишли меъёрий ҳужжатларга биноан белгиланган мазмун асосида ўқув соатлари, дидактик таъминоти, метод турлари аниқланади.

Инновацион машғулотлар дарснинг мақсадларига мувофиқ танланади ва унга тегишлича тайёргарлик кўрилади. Умумий ўрта таълим мактабларида ва академик лицейларда кимё фанининг ўқитиши мазмунига бўлган талабларга қуидагилар киради: илмийлик, тизимлилик, илмий билимлар салмоғининг юқори бўлиши, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига билимларнинг мос келиши, мактаб шароитига мослик, кимёвий бирликларни ўргатишида унинг жаҳон андозалари талабларига мослиги, таълим субъектлари(ўқитувчи ва ўқувчи)нинг ДТСда белгиланган фаолияти киради

Кимё ўқув предметидан технологияларни лойиҳалаш ва улардан таълим жараёнида мақсадга мувофиқ ҳолда фойдаланиш маълум қонуниятларга асосланади. Инновацион технологияларга мувофиқ лойиҳаланган таълим жараёнини ташкил этишида дидактик тамойиллар: яхлитлилик; олдиндан лойиҳалаш; якуний натижаларнинг кафолатланиши; кетма-кетлик; ўзлаштиришнинг индивидуал суръати; техник қурилмалардан фойдаланиш; илмийлик кабиларга асосланилади. Тамойиллар ўзида муҳим сифат кўрсаткичларини мужассамлаштиради.

Диссертациянинг «**Кимё фанини инновацион технологиялардан фойдаланиб ўқитиши методикаси**» номли иккинчи бобида кимё фанини ўқитишида инновацион технологиялардан фойдаланиш тизими, замонавий услублар; лаборатория ишларини ва амалий машғулотларни ўтказиш, масалаларни ечиш; кимё фани бўйича инновацион технологиялардан фойдаланиб, мустақил ишларни ташкил этиш ва бажариш методикалари келтирилган.

Кимё таълими методикаси бўйича илмий изланишлар олиб борган олимлар - Ҳ.Т.Омонов, Ш.М.Миркомилов, Н.Ғ.Рахматуллаевлар ўқитиши методларини қуидаги тизимларга ажратишган: ўқувчиларнинг фикрлаш фаолияти характери бўйича: иллюстратив тушунтириш, эвристик текшириш методлари; билимлар манбаларининг тури бўйича: сўзлаб бериш, қўргазмали қуроллардан фойдаланиб сўзлаб бериш; ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятлари шакли бўйича: маъруза, сухбат, тушунтириш,

мустақил иш, дастур бўйича ўқитиши; ўқувчилар таълимини амалга ошириш бўйича: янги педагогик ва инновацион технологиялардан фойдаланиш методи. Адабиётларда кўрсатилишича ҳозирда самара бераётган инновацион технологияларга АКТ (ахборот-коммуникатив технология), модуль технологияси, диагностика технологияси, мультимедиали технология, интерфаол усулли технология, муаммоли ўқитиши технологияси, масофадан туриб ўқитиши технологияси, мустақил таҳлил, билимларни баҳолаш каби технологиялар киради.

Инновацион технологиялар асосида дарс ўтилганда дарс олдиндан лойиҳаланади, бир мақсадга йўналтирилади ва кафолатланган натижага эришилади. Бундай дарс янги тўлдирилган ва қайта ишланган мазмунга, восита ва шаклга эга. Олиб борилган тадқиқот ишининг мазмунидан келиб чиқсан ҳолда, кимёни инновацион технологиялар асосида ўқитишнинг методлари, шакллари ва воситалари қуидаги тизимлаштирилди: кимё фанининг ўқитиши методлари билим манбаларига кўра-оғзаки, фикрлаш фаолиятига кўра - кўргазмали, амалий бажарилишига қараб мустақил ўқиши фаолиятига кўра - масофавий, мустақил ишлаш ва ўз-ўзини назорат қилиш, қўйилган муаммога кўра - муаммони ечимини топиш ва мантиқий фикрлаш. Инновацион технология асосида кимё фанини ўқитишида фойдаланилайдиган таълим воситалари қуидагилардан иборат: таълим беришнинг ўқув-услубий воситалари, техник воситалар ва ёрдамчи таълим воситалари. Инновацион технологиядаги таълимни ташкиллаштиришда фойдаланилайдиган шакллар тизими таълим оловчилар сонига қараб - ҳамкорликда, кичик гуруҳларда, якка ҳолда ўқитиши; ўқитиши вақтига қараб - 45 дақиқа, 90 дақиқа бирлашган дарс; ўқув ишини ташкиллаштириш шаклига қараб - маъруза, семинар, мустақил иш ва оддий дарс ўтиши; ҳамкорликдаги фаолиятга қараб - жамоа-оммавий, гуруҳли, якка тартибда; жамоа-оммавий иш – барча таълим оловчилар олдига бир хил топшириқни бажариш вазифаси қўйиш кабилардан иборат бўлади.

Кимё фанини инновацион технологиялар асосида ўқитишида кўпроқ интерфаол методлардан фойдаланилади. Интерфаол методлар – бу жамоа бўлиб фикрлашдан иборат бўлиб, бу методлар таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади ва улар ўзига хос хусусиятларга эга. Кимё таълими тизимида инновацион технологиялардан: «Резюме», «Бумеранг», «Зинамазина», «Кенг қамровли», «ФСМУ», «Модуль», «Чархпалак», «Технологик харита», «Мультимедиали технология»; усуллардан: «Кластер», «Кунгабоқар», «Балиқ скелети», «Венн диаграммаси», «Фикрлар уммони»дан фойдаланилади. Инновацион технологиялар педагогик жараён бўлиб, унинг таълимий мақсади ўқитувчи фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритишдан иборат. Ўқитишнинг билим манбалари турлари бўйича - оғзаки усулига мисол қилиб «Темир элементининг хоссалари»ни ўрганишда «Резюме» технологиясидан фойдаланиш методикаси кўрсатилган. Бу технология

мураккаб ва кўп тармоқли, муаммоли мавзуларни ўрганишга қаратилган. Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда бир йўла мавзунинг турли тармоқлари бўйича ахборот берилади : модданинг табиатда учрашини «Фикрлар уммони»; модданинг хоссаларини ўрганишда «Технологик харита»; модданинг даврий системадаги ўрнини «Кунгабоқар»; модданинг кимёвий хоссаларини «Балиқ скелети» схемаси асосида; модданинг ишлатилиш соҳаларини «Кластер» каби методларидан фойдаланган ҳолда ўрганилади ва модданинг кимёвий хоссаларига хос бўлган тажрибалар кўрсатилади. Мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида мустақил иш турларидан жорий назорат топшириқлари ва мавзулар кесимидағи тестлар тўплами берилади. Мавзулардаги мураккаб тажрибаларни анимация методидан фойдаланган ҳолда ҳам кўрсатиш мумкин. Бундай методда олиб борилган дарснинг афзаллик томони шундаки, ўқувчиларни дарс давомида бефарқ бўлмасликка, билим олишни фаоллаштиришга, мустақил ва эркин фикрлашга, ижодий қобилиятни ривожлантиришга ва изланишга ўргатишга имкони яратилади. Синфдошларининг фикрини хурмат қилиш, кўп фикрдан зарурини танлаб олиш, таҳлил қилиш ва ундан керакли хулоса чиқаришга ўргатилади. Бу орқали ўқувчиларнинг кимё фанига бўлган қизиқишлигининг барқарорлиги таъминланади. Мавзуларни ўрганишда воситалар тариқасида ўқув-услубий, техник ва ёрдамчи воситалардан фойдаланилади, ўқувчилар билан ҳамкорликда, катта ва кичик гурухларда, якка ҳолда ишланади ва самарадорликка эришилади.

Кимё фанини инновацион технологиялар асосида ўқитишида кўргазмали метод мухим аҳамият касб этади. Кимёни ўқитишида ўқув эксперименти юқори ўринни эгаллайди. Ўқитишидағи кимёвий эксперимент нафақат ўқувчиларга кимёвий ҳодисаларни яқиндан таништириш имкониятини яратади, балки кимё фанининг методларини эгаллашга ёрдам беради. Ҳар бир ўқувчи тажрибани ўтказишида кўйиладиган талабларни, кимё хонасида риоя қилинадиган қоидаларни, биринчи тиббий ёрдам кўрсатишини билиши керак. Тадқиқот ишида лаборатория ва амалий машғулотларни бажаришда анъанавий ва замонавий асбоблардан фойдаланиб, модда массасининг сақланиш қонунини намойиш этиш, электр токи билан тажрибалар ўтказиш,  $\text{HNO}_3$  ни ҳосил қилиш, галогенларни ажратиб олиш,  $\text{H}_2$  ни эвдиометр асбоби ёрдамида олиш,  $\text{H}_2\text{O}$  ни синтез қилиш, реакция тезлигини аниқлаш каби тажрибалар кўрсатилган. Тажриба ўтказиладиган жиҳозлар солиштирилган, таҳлил қилинган ва замонавий жиҳозларнинг афзаллик томонлари кўрсатиб берилган ҳамда бу методлар ўқувчиларнинг назарий билимларини амалда татбиқ этишлари учун имкон яратилган. Замонавий жиҳозларнинг афзаллик томонлари шундаки, асбобни бир ердан иккинчи ерга кўчириш осон, асбоб ихчам қилиб тузилган, бир вақтнинг ўзида бир қанча моддалар масалан, галогенларни ҳосил қилиш тажрибасида  $\text{Cl}_2$ ,  $\text{Br}_2$ ,  $\text{J}_2$  ҳосил бўлганини кўриш мумкин. Тажриба жараёнида кам реактив сарф бўлади, иш жараёнини оддий

кўз билан, рангли тажрибалар орқали кузатиш мумкин. Агар лаборатория тажрибалари ва амалий машғулотларни бажаришнинг имкони бўлмаса у ҳолда анимация усулидан фойдаланилади. Лаборатория тажрибалари ва амалий машғулотларни амалга ошириш босқичларини анимацион - намойиш усулида кўрсатиш ва вақт сарфини оптималлаштириш асосида такомиллаштирилади. Натижада, биринчидан, вақтни тежаш орқали қўшимча материал, маълумот ва методларни қўллаш имкони юзага келади, иккинчидан бу омиллар бевосита таълим сифатига ижобий таъсир қиласи.

Кимё фанини инновацион технологиялар асосида ўқитишда мустақил ишлаш ва ўз-ўзини назорат қилиш методи алоҳида ўрин эгаллайди. Мустақил ишларга намуна сифатида: мустақил илмий, ўқув, қўшимча адабиётларни ўқиши, электрон методик қўлланмалардан фойдаланиш, мавзуга оид савол - топшириқларни бажариш, жорий ва оралиқ назорат ишларини бажариш, лаборатория ва амалий машғулотларни мустақил бажариш, мавзуга оид тест топшириқларини бажариш, масала ва мисолларни бажариш ва рефератлар ёзиши ҳамда маърузалар тайёрлаш киради. Компьютер ва интернет тармоқлари орқали электрон вариандаги ўтилган мавзуларни ўзлаштириш, янги билимларни излаш, тўплаш, саралаш, қайта ишлаш ва узатиш, топшириқ ва саволларга ечим топиш, масала мисоллар ечиш, тест саволларига жавоб топиш ва бошқа ишларни амалга ошириш мумкин. Компьютер орқали ўқувчи мустақил ишлаши, мавзулар бўйича зарур билимларни олиши, ўзининг билимини назорат қилиши ва уни баҳолаши мумкин. Бунда ўқувчилар дарсга гурухларга бўлинган ҳолда ва якка ҳолда жалб қилинади. Ўқитишининг мустақил ишлаш ва ўз-ўзини назорат қилиш методидан масалаларни ечишда ҳам фойдаланиши мумкин.

Кимёдан масалаларни ечишнинг мазмунига, осон-қийинлигига қараб бир неча гурухга бўлиш мумкин. Масалалар мазмунига қараб - микдорий ҳисоблашлар беш хил усул, сифатга оид масалалар - олти хил усул, сон кимёвий ўлчовларига оид масалалар - тўрт хил усулга бўлиб ечилади. Тадқиқот ишида масалаларни ечишда математика ва физика фанининг ўрни, масалани ечишда риоя қилиниши зарур бўлган асосий қоидалар, ҳисоблаб чиқиладиган масалаларнинг кўринишлари, ечилиш усуллари, ечишда рўй берадиган камчиликларнинг сабаблари ва уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилган. Бу ишлар дарсда ўқувчиларни гурухларга бўлган ҳолда, уйда эса шахсий компьютерда якка ҳолда амалга оширилади.

Таълимни масофадан туриб ўқиш ва ўрганишда интернет тармоқларидан фойдаланилади. Ўзлаштирилиши қийин бўлган мавзуларга оид қўшимча маълумотларни ҳамда ўқувчини қизиқтирган саволларга жавобни интернет тармоқларидан олиш мумкин. Шу билан бирга мавзуга оид савол ва топшириқларни, конкурс тестларини бажариш орқали ўқувчи ўзининг олган билимларини синайди, яна ҳам кўпроқ билим олишга интилади. Натижада ўқувчидаги мавзуларни кенгроқ ва мукаммалроқ

ўзлаштириш имконияти яратилади. Бу эса атрофимиизда содир бўлаётган кимёвий жараёнларни мукаммалроқ ва чуқурроқ ўрганишга шароит яратилади.

Диссертациянинг «**Педагогик тажриба - синов ишларини ташкил этиш ва натижаларни таҳлил қилиш»** деб номланган учинчи бобида тажриба - синов ишлари ва уларнинг натижалари ёритилган. Тажриба - синов ишлари 2012–2015 йилларда тўрт босқичда амалга оширилди. Мактаб ва академик лицей ўқувчиларининг кимё ўкув предметини ўзлаштиришларида инновацион технологияларнинг аҳамияти аниқланди. **Тадқиқот мавзусига оид илмий, методик, электрон манбалар қиёсий ўрганилди ва таҳлил этилди, мактаб ва академик лицейлардаги илғор педагогик тажрибалар кузатилди.** Анкета, сұхбат, кузатиш, жорий ва оралиқ назоратлар, ўтказилган амалий ва лаборатория машғулотларининг натижалари, мавзулар асосидаги тест саволларнинг бажарилиши эксперт назорат қилинди ва баҳоланди, тажриба-синов ишлари натижалари математик - статистик таҳлил қилинди.

